

**ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ,
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.30.05.2018.FM/T.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ,
ҚУРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ**

ОЧИЛОВ ОДИЛ

**МАГНИТ МАТЕРИАЛЛАРДА МАГНИТООПТИК ҲОДИСАЛАР
ВА ОПТИК КОММУТАТОРЛАРНИНГ ЯНГИ АВЛОДИНИНГ
ЭЛЕМЕНТ БАЗАЛАРИ**

01.04.05 – Оптика

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Contents of the abstract of doctoral dissertation

Очилов Одил

Магнит материалларда магнитооптик ходисалар ва оптик коммутаторларнинг янги авлодининг элемент базалари 3

Очилов Одил

Магнитооптические явления в магнитных материалах и элементная база оптических коммутаторов нового поколения 27

Ochilov Odil

Magneto-optical phenomena in magnetic materials and elemental bases of the new generation of optical switch boards 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 57

**ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ,
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.30.05.2018.FM/T.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ,
ҚУРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ**

ОЧИЛОВ ОДИЛ

**МАГНИТ МАТЕРИАЛЛАРДА МАГНИТООПТИК ҲОДИСАЛАР
ВА ОПТИК КОММУТАТОРЛАРНИНГ ЯНГИ АВЛОДИНИНГ
ЭЛЕМЕНТ БАЗАЛАРИ**

01.04.05 – Оптика

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.DSc/FM112 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.iplt.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мукимов Комил Мукимович
физика-математика фанлари доктори,
профессор, академик

Расмий оппонентлар:

Звездин Анатолий Константинович
физика-математика фанлари доктори,
профессор (Россия Федерацияси)

Валиев Уйғун Вахидович,
физика-математика фанлари доктори, профессор

Кодиров Мумин Кодирович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация химояси Ион плазма ва лазер технологиялари институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.05.2018.FM/T.65.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ кунини соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел/факс: (99871) 262-32-54, e-mail: info@iplt.uz).

Докторлик диссертацияси билан Ион плазма ва лазер технологиялари институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси 29-уй. Тел/факс: (99871) 262-32-54, e-mail: info@iplt.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ кунини тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.Б. Ашуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., катта илмий ходим

Д.Т. Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м. д., катта илмий ходим

Б.Е. Умирзаков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида фундаментал ва амалий жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга бўлган магнит материалларининг комплекс тадқиқотларини мукамаллаштириш ҳамда уларнинг телекоммуникация соҳасида ахборотларни сақлаш ва узатиш, элемент базаларининг архитектурасини оптималлаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан магнитооптик эффектларининг оптик кўринувчанлик ва яқин инфра қизил (ИК) спектр соҳасида синтез қилинган ферродиелектрик материалларини электр қаршиликлари катта қийматга эга бўлган янги авлодини яратиш алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада, Германия, Франция, Япония, Россия ва бошқа ривожланган давлатларда ахборотларни магнит дискларда ёзиш, сақлаш ва ўқишда фойдаланиладиган N-катламли магнит структурасида ёруғликнинг кўп мартаб қайтиши ва ўтиши механизмларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда ҳажмли ахборотларни ёзиш қурилмаларини яратиш, ахборотларни ташувчи иккита ҳар хил блох чизиклари, блох нуқталарининг кесишуви олинса, ёзув зичлигини бир неча даражага ошириш, икки фотонли ёзув технологияси асосида дискнинг ҳар иккала томонига бир неча юз қатламли ёзиш усулини ишлаб чиқиш, материал қалинлигида бит ахборотнинг жойлашиш нуқтасини осон ўзгартиришга йўналтирилган мақсадли илмий тадқиқот ишларини олиб бориш алоҳида касб этади. Бу борада хотира қурилмаларининг янги принципларини яратиш жумладан яримўтказгичли интеграль схемалар; ўта яримўтказгичлар; цилиндрик магнит доменлар; заряд алоқали қурилмалар; спинтроника; оптик ҳодисалар (термооптика, электрооптика, ва бошқа тип ёзувлари, голографияни ҳам ҳисобга олганда) ҳамда ноноструктура асосидаги қурилмаларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда оптика, хусусан магнит материаллар оптик соҳасида нодир ер магнит материалларининг оптик ва магнитооптик ҳодисаларини физикавий механизмларини аниқлаш, оптик коммутаторлар, конструкциясига боғлиқ ҳолда тола бўйича юборилаётган сигнални киритиш, чиқариш ёки қайта йуналтириш, бир нечта ёки ҳамма спектрал каналларга йуналтириш ва магнит доменлари асосида ишлайдиган магнитооптик қурилмаларни яратиш бўйича кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясида жумладан, «...милий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш...» таъкидлаб ўтилган. Мазкур вазифани амалга ошириш, жумладан магнитооптик коммутаторлар технологияси, яъни коммутация тизимларининг тугун тизимларида Фарадей элементлари

ишлатилиши ва бу йўналишида бажарилаётган илмий изланишлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ҳаракатлар Стратегиясини келгусида амалга ошириш чоралари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 20 июлдаги ПҚ-3876-сон «Фан ва олий таълим соҳаси ходимларининг меҳнат ҳақи миқдорини янада ошириш, илмий ва илмий-техник фаолият натижалари жорий этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг уствор йўналишларига мослиги.

Мазкуртадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожланишининг: II. «Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик» уствор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹. Магнит материалларда магнитооптик ходисалар ва оптик коммутаторларнинг янги авлодини яратишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари жумладан, Ок-Ридж миллий лабораторияси ва Пердью университети, (АҚШ), Istituto elettrotecnico nazionale Galileo Ferraris torino (Италия), University Paris-Sud Orsay (Франция), Россия Фанлар академияси А.Ф.Иоффе номидаги Физика-техника институти, Л. В. Киренский номидаги Физика институти, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Киев политехника институти, Украина Фанлар академияси Паст температуралар физика техника институти, Беларусия Республикаси миллий Фанлар академиясининг материалшунослик илмий ишлаб чиқариш маркази, Ўзбекистон Фанлар академияси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

Ҳажмли ахборотларни ёзиш, сақлаш ва ўқишнинг замонавий усуллари ва воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий натижалар олинган: қурилмаларнинг минитюрзация қилишга интилиш, хотира ва мантиқий қисмларни катта ҳажмли ва кичик вазнли тез ҳаракатчанли қисмлари яратилган (Сёдзон университети, Жанубий Корея, Яманаши университети, Япония); хотирада сақлаш қурилмаларининг янги тамойиллари яратилган

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: келтирилган адабиётлар рўйхати [1-56] ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

(Москва давлат университети); магнитооптик қурилмаларининг конструкциялари ишлаб чиқилган (Киев политехника институти); магнитдоменлари асосида янги қурилмалар яратилган (Ок-Ридж Миллий лабораторияси, АҚШ).

Дунёда магнитооптик ходисалар ва оптик коммутаторларнинг янги авлодини яратиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги уствор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: янги материалларни синтез қилиш; янги магнитооптик материалларининг хусусиятини аниқлаш ва интерпретациясини ишлаб чиқиш; қурилмаларни миниатюризация қилиш ва такомиллаштириш; хотира ва мантиқий қисмларни катта ҳажмли ва кичик вазнли тез ҳаракатчан қисмларини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий компьютерларнинг хотираси ҳажми одатда 10^8 битдан ошмайди, бу одамнинг хотираси ҳажмидан жуда кам ($\sim 10^{12}$ бит). 1970 йиллардан бошлаб дунёнинг етакчи олимлари хотирада сақлаш қурилмаларининг янги тамойилларини яратиш устида интенсив илмий ишлаб чиқаришлар олиб бормоқдалар. Бу йўналишда россиялик олимлар (Г.А.Смоленский раҳбарлигидаги магнетизм ва сегнетоэлектриклар лабораторияси) катта ҳисса қўшдилар. Магнитооптик қурилмаларининг назарияси, ҳисоблаш ҳамда конструкция масалалари ва уларнинг тизимига бағишланган ишларида россиялик ва бошқа чет эллик Рандошкин В.В., Червоненкис А.Я., Берикашвили В.Ш., Миrowsицкий Д.И., Котов В.А., Звездин А.К., Мнейн М.Г., Боровик-Романов А.С., Крейнс Н.М., Тикадзуми С. Бобек Э., Делла Торре Э., Эшенфельдер А. каби олимларнинг ҳиссалари катта.

Ахборотларни термомагнит усулида ёзиш ва улар учун материаллар россиялик олимлар Г.С. Кринчик раҳбарлигидаги илмий груҳ, Балбашев А.М. ва А.Я.Червоненкис украиналик олимлар В.А.Тронько ва Ю.Плаксийлар билан ҳамкорликда электрон нур орқали ахборотлар ёзишни амалга оширишди. d-f металлларнинг аморф ва феррит-гранат плёнкаларида термомагнит ёзишни чет эллик олимлар Erskine J.L., Stern E.A., MacDonald R. E., Beck J. W., Krumme J.P., Werweel J., Haberkampлар амалга оширға эришдилар. Чет эл ва МДХ мамлакатларида магнит доменлари асосида янги қурилмалар яратиш бўйича катта илмий ишлар олиб борилди. Айниқса магнит доменлари панжарасида, диффракция ходисаси асосида яратилган қурилмалар устида интенсив илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ассоциатив тизимлар ва гуруҳ назариясининг ривожланиши Тошкент ахборот технологиялари университетида В.М.Соннинг илмий ишларида янада ривож топди, яъни у ассоциатив тизимларнинг янги имкониятларини кўрсатиб берди. Шу муносабат билан илмий тадқиқот ишлари ва янги моделларни ишлаб чиқиш ҳамда юқори тезликда маълумотларга ишлов беришни таминлайдиган ассоциатив тизимларни ҳисоблаш усулларини яратиш долзарб масаладир.

Ўзбекистон Миллий университетида магнит материалларининг хусусиятларини фундаментал ва амалий тадқиқот ишлари К.М. Муқимов ва

У.В. Валиевлар томонидан бошланган. Бу илмий ишлар билан бир қаторда, лабораторияда ахборотларни термомагнит ёзиш, интеграл оптика элементлари, цилиндрли ва чизиклимагнит доменлар асосида микрочиплар, магнитооптик коммутаторларнинг элемент базасини яратиш устида интенсив равишда илмий ишлар олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент автомобил йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтининг илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нодир ер феррит-гранат пленкалари ва монокристалларининг оптик ва магнитооптик хусусиятлари механизмларини аниқлаш ва оптик коммутаторларнинг янги элемент базаларини яратишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

нодир ер феррит гранат эпитаксиал плёнкаларини кимёвий таркибларини ва технологик режимларини, кристалл параметрларини ва оптик хусусиятларини оптималлаштириш;

N-катламли магнит структурасида нурларнинг кўп марта қайтиш қонуниятини тадқиқ қилиш ва ёруғликни қайтиш ва ютилиш механизмларини аниқлаш;

ахборотларни сақлаш ва узатиш элемент базаси қурилмаларининг архитектурасини оптималлаштириш;

магнитооптик анизотропиянинг (фотоэластик-оптикавий-киритилган деформация) тензори компоненталарини илмий тадқиқ қилиш;

нодир ер феррит-гранат эпитаксиаль плёнкаларида ўсиш оптик анизотропия борлигида оптик индикатрисанинг айланиш механизмини аниқлаш;

темир итрий гранатида ножинслилик ва беқарорлик факторларини домен структурасига таъсирининг табиати ва механизмларини аниқлаш;

ахборотларни d-f металлларнинг аморф пленкаларига термомагнит усулида ёзиш учун уларнинг оптик ва магнитооптик хусусиятларининг табиатини аниқлаш;

магнит диффракцион панжаралари асосида оптик коммутаторларнинг тезкор ва юқори ҳажмли янги авлодини яратиш мақсадида, магнит материалларни оптик ва магнитооптик хусусиятларини оптималлаштириш ҳамда оптик мультиплексорлар ва демультимплексорларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида $Y_3Fe_5O_{12}$, $R_3Fe_5O_{12}$ ва уларнинг Bi, Ga аралашмаларининг эпитаксиал плёнкалари, ҳамда d-f металлларнинг (Tb-Fe, Tb-Gd-Fe, Tb-Fe-Co и Tb-Gd-Fe-Co) аморф плёнкалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ахборотларни ёзиш-сақлаш ва узатиш учун доменлар структурасининг механизмини шакллантириш ва магнитооптик коммутаторларининг янги авлодини техник томонларини ишлаб чиқишни ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда физик хоссаларни ўрганишнинг мураккаб тизимларини тадқиқ қилиш усулларига асосланган, қўйилган масалани ечишга комплекс тизимли ёндошиш яъни оптик ютилиш, Фарадей эффекти, магнит доиравий ва чизиқли дихроизми, фотоиндуцирлаш усули, доменларнинг тизимини магнитооптик визуаллаштириш усули ҳамда магнитооптик қабул қилувчанликни дифференциаллаш усули, Camesa IMS-4F қурилмасида масс-спектроскопни иккиламчи ион усули, микронзонд ва активацион анализ усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

гранатнинг оптимал химиявий таркиби ва унга Tb, Yb, Dy, ионларининг кирувчанлик коэффицентини, концентрация қийматининг (x) га ва Ga ионларининг температурага боғлиқлиги аниқланган;

қатламли магнит структурасида электромагнит тўлкинларининг тарқалиш механизми ва икки қатламли магнит структурасида, нурларнинг қайтиш ва ўтиш формуллари таклиф қилиниб, Фарадей ва Керр эффектлари ўзаро боғланиши аниқланган;

катта дозали ($D > 5 \times 10^{19}$ ион/см²) ва энергияси $E = 0,5 - 2$ кэВ бўлган кислород ионлар билан нурлантирилган плёнкаларнинг оптик ва магнитооптика хоссалари аниқланган;

темир итрий феррит-гранати плёнкаларида магнитооптик сезувчанликни аниқлаш шунингдек ферромагнитларда магнит ножинслигини ўлчаш усули ва юқори қувватли лазер нурлари тасирида домен деворларининг барқарорлиги аниқланган;

илк бор фотомагнит эффектларининг температурага боғлиқлиги $Y_3Fe_5O_{12}$ монокристалларида импульсли лазер нурлари таъсирида магнитланишининг ўзгариши аниқланган ва $Y_3Fe_5O_{12}:Si$ кристаллида оптик-тола тизимида юқори қувватли имплусли лазерлари учун фотоприёмниклар ишлаб чиқилган;

аморф плёнкаларида ахборотларни ёзиш ва сақлаш учун юқори магнитооптик ассилчанликка эга бўлган спектр соҳаси ҳамда d-f металларнинг (Tb-Fe, Tb-Gd-Fe, Tb-Fe-Co и Tb-Gd-Fe-Co) магнитооптик хоссалари аниқланган;

магнит панжараларида диффракция ва Фарадей ҳодисаси асосида оптик коммутаторларнинг асосий магнитооптик элементи ишлаб чиқилган;

қаттиқ жисм сиртидаги тасвирларни таққослаш учун микроскоп таркибига предмет столчалари, иккита солиштириш тармоқлари, тасвирлар майдонларини қўшиш блоки, объектив, ўтказувчи ойна, визуал-телевизион каналлар ва кузатиш блокларидан иборат такомиллаштирилган қурилма ишлаб чиқилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

эпитаксиал плёнкаларни ўстириш усулини кенгайтириш, ахборотларни ёзиш, сақлаш ва узатиш сифатини яхшилаш усули ишлаб чиқилган;

биржинсли барқарор магнит доменларни олишнинг оптимал шarti ва улар асосида магнитооптик калитлар ва коммутаторлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган назария ва тажриба натижалари замонавий илмий усуллар асосида олинган тажриба натижаларининг, бошқа муалифлар тажрибасида олган натижаларига мос келиши ва физикавий оптиканинг замонвий тушунчаларига мослиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий ва аҳамияти $R_3Fe_5O_{12}$ ларининг эпитаксиал плёнкаларини ўстириш технологияси ва $Y_3Fe_5O_{12}$ гранатларда оптик ва магнитооптик хоссалари ўзгаришининг физик табиатини аниқлаш ва шу билан магнит хотираларининг ҳажмини кенгайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, сифатли плёнкаларни мақсадли ўстириш; оптик ютилишни жиддий камайтириш, магнитооптик ассилликни ошириш; оптик коммутаторларнинг янги авлодини яратиш, қувватли лазер нурлари учун фотоприемниклар ва бу лазерлардан $R_3Fe_5O_{12}$ асосида олинган цилиндр магнит домен қурилмаларининг доменларини силжитишда фойдаланишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Магнит материалларда магнитооптик ҳодисаларни ва оптик коммутаторларнинг янги авлодининг элемент базаларини яратиш асосида:

феррит гранатларда домен тизимларини кўриш ва тасвирнинг сифатини яхшилаш бўйича «Объект юзасининг суръати бўйича уни қиёсий анализ учун қурилма» Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (UZ № IAP 04195, 30.07.2010 й). Ишлаб чиқарилган қурилма доменларининг тасвирлар сифатини юқори аниқликда кузатиш имконини берган;

дозаси $D > 5 \times 10^{19}$ ион/см² энергияси $E = 0,5 - 2$ кэВ бўлган кислород ионлар билан нурлантирилганда плёнкаларнинг оптик ва магнитооптик хоссалари ўзгаришининг аниқланган физикавий механизми Беларуссия Республикаси материалшунослик илмий тадқиқот марказида ихтиёрий таркибдаги юқори сифатли нодир ер феррит-гранатлари плёнкаларини олишда қўлланилган («Белоруссия Миллий Фанлар академияси Материалшунослик илмий ишлаб чиқариш маркази» давлат бирлашмасининг 2018 йил 3 майдаги 16001-23/290-сон маълумотномаси). Илмий натижаларининг қўлланиши юқори сифатли ихтиёрий нодир ер феррит-гранат плёнкаларини олиш имконини берган;

Мах-Цендр интерферометри базасида Vi-ли феррит-гранат плёнкаларида Фарадей эффекти натижалари «Unikon.Uz» илмий техник ва маркетинг тадқиқотлар марказида мультиплексорлар ва демультиплексорларнинг элемент базалари ҳамда ассоциатив коммутация тизимида оптик оқим калитларини шунингдек уй тизимида SOHO (small office, Home office) локал тармоқларни яратишда оптик ҳамда алоқанинг минтақавий ва магистрал тармоқлари комму-таторларини ишлаб чиқишда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси ахбо-рот технологиялари ва коммуникацияларин ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 22 июндаги 338/4556-сон маълумотномаси). Илмий натижаларидан фойдаланиш оптик коммутаторларининг янги авлодининг

элемент базаларини ҳамда минтақавий ва магистрал тармоқларини яратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 14 та республика ва халқаро илмий-амалий анжумаларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та илмий мақола нашр этилган ва 1 та ихтирога патент ҳамда 1 та фойдали моделга патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 198 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Магнит материалларда магнитооптик ҳодисалар ва оптик коммутаторларнинг янги авлодининг элемент базалари**» деб номланган биринчи бобида муаммолар ҳолати бўйича мавжуд адабиётлардаги маълумотлар ўрганилган. Магнит материалларда магнитооптика ҳодисаларини тадқиқ қилиш усуллари таснифи ва воситалари келтирилган.

Қўйилган мақсадга мувофиқ назария ва тажриба натижаларни таҳлил қилиш асосида диссертациянинг асосий мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот намуналари, тажриба қурилмалари ва ўлчаш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот намуналарига алоҳида этибор берилган. Феррит гранат плёнкаларининг кимёвий таркиби ҳисобланган. Олинган плёнкаларнинг элемент таркиби Камека (Франция) фирмасининг микроанализатор MS-46 да аниқланган.

$R_3Fe_5O_{12}$ магнит плёнкасининг оптик ва магнитооптик хоссаларига технологик жараёнлар таъсирининг айрим умумий муаммолари ўрганилган. Легировчи қўшимчалар шакл ва сони бўйича иккита асосий талабни қондириши шарт:

1) ўстирилаётган плёнка панжараларининг катталиклари тагликнинг кристалл панжараларига яқин ёки тенг бўлиши шарт, агар бу талаб

қондирилмаса, ҳосил бўлган кучланиш магнит плёнканинг бузилишига олиб келади.

2) плёнкаларнинг таркибига боғлиқ физик катталиклари берилган катталикларга мос (масалан, магнитланиши T_K ва бошқалар) бўлиши шарт. Биринчи талаб легирловчи элементнинг қиймати $Y_3Fe_5O_{12}$ қандай таъсир кўрсатади. Биринчи талабни қониқтириш таглик сифатида кристалл панжараси доимийси $a_0 = 12,383 \text{ \AA}$ бўлган $Gd_3Ga_5O_{12}$ (ГГГ) ва кристалл панжараси доимийси $a = 12,376 \text{ \AA}$ тенг бўлган асосий ўстириладиган материал сифатида $Y_3Fe_5O_{12}$ ни танлаш орқали эришилади.

Гранатнинг панжара доимийси маълумотларидан фойдаланиб ва қатор нодир ер ионларининг панжара доимийсини ўзгартириш, ҳамда Fe ионларини Ga ионлари билан алмаштириш орқали магнит материалларнинг бошқа таркибини танлаш мумкин. Бунинг учун фақат плёнка ва тагликнинг панжара доимийлари бир биридан минимум фарқланиши зарур. 1-жадвалда Y бирорта нодир ер иони билан алмаштириш натижасида ҳосил бўлган кристалл ячейкаларининг катталиклари келтирилган. 1-жадвал маълумотларидан фойдаланиб $Y_3Fe_5O_{12}$ панжара доимийсини, Y ни Tb , Yb и Dy ионларига ал-маштириш натижасида ўзгариши графигини чизамиз (1- расм 1, 2, 3 тўғри чи-зиқлар). Худди шундай $Y_3Fe_5O_{12}$ панжара доимийсини Fe ионини Ga га алмаштирилгандаги ўзгариш графигини ҳам чизиш мумкин (1-расм, 4-тўғри чизик).


1-жадвал

Нодир ер элементлари ФГ асосидаги гранатларнинг хусусиятлари

R	$a_0 \text{ \AA}$	$\Delta a_0 \text{ \AA}$	$4\pi Ms(300K), \text{ Гс}$	R	$a_0 \text{ \AA}$	$\Delta a_0 \text{ \AA}$	$4\pi Ms 300K), \text{ Гс}$
Sm	12,529	+0,051	1675	Y	12,376	0,000	1767
Eu	12,498	+0,041	1172	Er	12,347	-0,010	1241
Gd	12,471	+0,032	56	Tm	12,323	-0,018	1397
Tb	12,436	+0,020	198	Yb	12,302	-0,025	1555
Dy	12,405	+0,010	376	Lu	12,283	-0,031	1815
Ho	12,376	0,000	882				


Δa_0 – Y ни нодир ер элементларидан бирортасига алмаштиришнинг доимийлари орасидаги фарқ $-\Delta a_0 = 12,383 - 12,376 = 0,007 \text{ \AA}$ ташкил этади. Бу фарқни компенсация қилиш учун $\Delta a_0 = 0,007 \text{ \AA}$ ни 1. расмга мувофиқ Y ионини $x=0,35$ Tb ионига алмаштириш зарур. Шундай қилиб, зарур бўлган плёнканинг кимёвий таркиби $Y_{2,65}Tb_{0,35}Fe_5O_{12}$ ифода этилади, ҳисобланган панжара доимийси $a = 12,383 \text{ \AA}$ Y ни иккита нодир ер ионлари билан алмаштириш қуйидаги схема орқали амалга оширилади. Yb ($x=0,1$) қийматини танлаб бунда плёнканинг панжара доимийсини ўзгариши натижасида, 1-расм маълумот-ларидан фойдаланиб ихтиёрий гранатнинг кимёвий формуласини берилган панжара доимийси орқали ҳисоблаш мумкин

ва бу катталиқ мисолда $a=12.383\text{\AA}$. Мисол тариқасида $(Y, Tb, Yb)_3Fe_5O_{12}$ шу ФГ ни кимёвий формуласини ҳар хил нодир ер Tb, Yb ионлари учун, таглигининг кристалл панжара доимиси $a=12,383\text{\AA}$ бўлган ҳол учун ҳисоблаймиз. $Y_3Fe_5O_{12}$ панжара доимийси $a = 12,376\text{\AA}$ Тога ва аралаштирилган $Y_3Fe_5O_{12}$ гранат кристалл пажаралари доимийси $Y_{2,9}Yb_{0,1}Fe_5O_{12}$ - 1 расмга мувофиқ $a_0=12,373\text{\AA}$ бўлади.




1-расм. Гранатларнинг панжара доимийларини нодир ер ионларининг концентрацияларига боғлиқлик графиги $Y_{3-x}R_xFe_5O_{12}$ ($R=1 -Tb$; $2 -Yb$; $3 -Dy$) ва $4 -Y_3Fe_{5-x}Ga_xO_{12}$.

Фарқларини компенсация қилиш учун зарур катталиқ $\Delta a_0=(12,376-12,373)+(12,383-12,376)=0,010\text{\AA}$. Бундай катталиқларнинг фарқларини компенсациялаш Y ионини $x=0,49Tb$ ионига алмаштириш билан эришилади.



2-расм. Tb, Yb, Dy ионларининг кирувчанлик коэффициентини уларнинг алмаштириш даражасига (x) ва Ga ионини температурасига боғлиқлиги.



3-расм. Плёнка таглик аралашмали эритма $Y_{2,65}Tb_{0,35}Fe_5O_{12}$ $\Delta a = 0,005\text{\AA}$ кристалл таркиби катталиқларининг номослигига боғлиқлиги.

Талаб қилинган плёнканинг кимёвий формуласи кристалл структурасининг панжара доимийси $a_0=12,383\text{\AA}$ бўлган $Y_{2,41}Tb_{0,49}Yb_{0,1}Fe_5O_{12}$.

Худди шундай бошқа плёнкаларнинг талаб қилинган кимёвий формуласини ҳисоблаш мумкин, агар уларнинг панжара доимийлари таглик ГГГ доимийларига яқин ёки тенг бўлса, берилган кимёвий таркибдаги плёнкаларни ўстиришнинг оптимал шароитини аниқлаш учун, плёнканинг параметрларига ўстириш жараёнининг таъсири илмий тадқиқ қилинди. Бунда қуйидаги технологик параметрлари ўзгартирилди масалан; алмаштириш даражаси (x) ва Ga ионлари кирувчанлик коэффициентининг температурага боғлиқлик графиги 2-расмда келтирилган. Кристалл параметрларининг но – мослигини Δa , ўта совуш температурага ΔT боғлиқлиги, назорат ГГГ таглигининг доимий ўсиш частотаси 80 айлана/мин ва ўсиш вақти 10 мин бўлган ҳолда аниқланди. Мисол тариқасида, 3-расмда плёнка таглик–аралашма ва эритма $Y_{2,65}Tb_{0,35}Fe_5O_{12}$, $\Delta a = 0,005\text{Å}$.

Кристалл структура параметрларининг номослигига $\Delta a = 0,005\text{Å}$ боғлиқлик графиги келтирилган.

Тажриба қурилмалари ва ўлчаш усуллари. Тажриба қурилмалар, замонавий спектрометр КСВУ 3 базасида, юқори аниқликдаги ўлчаш асбобларидан фойдаланган ҳолда (селектив кучайтиргич синхрон детектори билан ва вольтметрлар В7-34) ҳамда оптик ютилишни махсус ҳисоблаш қурилмаси орқали магнит доиравий ва чизиқли дихроизмми юқори частотали кварц модуляторини қўллаш орқали ўлчанган. Чизиқли иккиланма синишининг температурага боғлиқлигини ўлчаш усули ишлаб чиқилди. Объектларнинг сифатли тасвирини олиш ҳамда объектларни солиштириш усули ишлаб чиқилди ва ихтирога патент олинди. Ўқув жараёнининг сифатини ошириш мақсадида ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини қўллаб 4 каналли дастурли телевизион микроскоп ишлаб чиқилди. Бу микроскоп интерференция ҳодисаларини намойиш қилишда ва магнит доменларни ўрганишда фойдаланилади. Магнит материалларда магнит ножинслилигини тадқиқ қилиш учун магнитооптик усул ишлаб чиқилди.

«Кўп таркибли ва қатламли магнит плёнкаларида оптик ва магнитооптик ҳодисаларни назарий тадқиқ қилиш» деб номланган учинчи бобида нодир ер ферит-гранатлари эпитаксиал магнит плёнкаларга алоҳида этибор қаратилган, одатда улар таглик ва плёнкаларнинг кристал панжаралари параметрларининг номослиги туфайли кучланган ҳолатда бўлади. Кўп таркибли нодир ер ферит-гранатлари плёнкалар таркибининг қалинлиги бўйича ҳам ножинсликга эга бўлади. Бу ионларнинг диаметрлари ҳар хил ўлчамга эга бўлганлиги туфайли, кристал позицияларида ностатик тақсимланиши билан боғлиқ, шунинг учун бизни ε_{ij}^c тензорининг гранатларнинг шафоф спектрал соҳасида, деформация ва ўсиш билан боғлиқ анизотропияни ҳисобга олгандаги кўриниши қизиқтиради. ε_{ij}^c тензор компоненти қуйидаги кўринишга эга

$$\varepsilon_{ij}^c = \varepsilon_0 \delta_{ij} + \varepsilon_{20} g_{ijkl} M_{ij} + M_k M_l - \varepsilon_{20} \rho_{ijkl} U_{kl} + \varepsilon_{20} r_{ijkl} \beta_k \beta_l \quad (1)$$

бунда $\sqrt{\varepsilon_0} = n_0$ - гранатнинг изотроп кўрсаткичи магнит тартибига боғлиқ эмас; g_{ijkl} , ρ_{ijkl} , r_{ijkl} – мос ҳолда, фотоэластик, деформация ва ўсиш оптик анизотропиялари тензорларининг компоненталаридир. M_k , M_l , M ; β_k вектор компоненталари, β_l ўсиш вектор компонентаси. ε_{ij}^c тензорнинг фотоэластик хиссасининг кўриниши

$$\nabla \varepsilon_0^p = \varepsilon_0^2 \rho_{ijkl} U_{kl}. \quad (2)$$

ρ_{ijkl} тензорнинг аниқ кўринишидан ва U_{kl} матрица тенгламасидан (2)

Фойдаланиб нодир ер ферит-гранатлари эпитаксиал плёнкаларнинг синдириш кўрсаткичи асосий қийматини, фотоэластик туфайли ҳосил бўлган ўзгаришини, плёнка текислигида уч йўналишдаги кўринишини топиш мумкин:

1) Плёнкани (100) текислигига параллел тарқалаётган ёруғлик учун, иккиланма чизиқли синиш қиймати қуйидагича аниқланади

$$\Delta n = \Delta n_{\parallel} - \Delta n_{\perp} = (1/2)n_0^3(\rho_{12} - \rho_{11})(1 + h_{100})U_{\parallel} \quad (3)$$

Бунда Δn_{\perp} ва Δn_{\parallel} иккита чизиқли кутубланган ёруғликнинг мос ҳолда текислик бўйича ва перпендикуляр тарқалишида синиш кўрсаткичини ўзгариши. Шундай қилиб, иккиланма синиш плёнка текислигида ёруғликни тарқалиш йўналишига боғлиқ эмас, яъни кристалл бир ўқли оптик кристалл бўлиб оптик ўқнинг йўналиши, плёнка текислигига перпендикуляр бўлади.

2) Плёнканинг(111) текислигига параллел тарқалаётган ёруғлик учун иккиланма чизиқли синиш қиймати қуйидагича аниқланади

$$\Delta n = n_0^3 \rho_{44} (1 + h_{111})U_{\parallel} \quad (4)$$

яъни бу ҳолда ҳам кристалл бир ўқли бўлади, унинг оптик ўқи плёнка текислигига перпендикуляр бўлади.

3) Плёнканинг(110) текислигига параллел тарқалаётган ёруғлик учун, агар ёруғликнинг тарқалиш йўналиши [110] бўлса иккиланма чизиқли синиш қиймати қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\Delta n = (\Delta n_1 - \Delta n_2) = n_0^3 \rho_{44} (1 + h_{110})U_{\parallel} \quad (5)$$

[100] йўналиш бўйича

$$\Delta n = (\Delta n_1 - \Delta n_3) = (1/2)n_0^3(\rho_{12} + \Delta \rho / 2 - \rho_{11})(1 + h_{110})U_{\parallel} \quad (6)$$

Бундан кўринадики иккиланма синишнинг қиймати, ёруғликнинг тарқалиш йўналишига боғлиқ ва кристалл кубик ҳолатидан икки ўқли ҳолатга ўтади.


Бу бўлимнинг хулосасида НЕФГ эпитаксиал плёнкаларнинг синдириш кўрсаткичининг қийматини деформация туфайли ўзгартиришнинг тартиби кўрсатилди. Агар нисбий деформация $U_{\parallel} \sim 10^{-4}$ бўлса гранатнинг оддий кристалл панжарасининг доимийси $a_0 \sim 12,4 \text{ \AA}$ деб олинса, деформацияланмаган ҳолатдаги синдириш кўрсаткичи учун иккиланма синиш $\Delta n \sim 10^{-4} - 10^{-5}$ га тенг бўлади (яъни фотоэластик ҳисса билан тенг).

Ёруғликнинг ютилиш соҳасида оптик индикатрисанинг айланиши билан биргаликда, дихроик ўқлар ҳам айланади, кристалл йўналишларида ёруғлик қутуби билан аниқланадиган ёруғлик ютилиши, бу йўналишларда максимум ёки минимум қийматга эга. Оптик индикатрисанинг асосий йўналишини ва дихроик ўқларнинг айланиши, оптик анизотропияни, спонтан магнитланиш туфайли юзага келади деб ҳисобланган. Ҳолбуки бу кристалл ва плёнкаларда, кўп ҳолатларда ўсиш жараёнида оптик анизотропияси бўлади бу эса асосий ўқларнинг бурилишида ва дихроик ўқларнинг магнитланиши айланишида катта таъсир қилади. Бу ҳолни кубик кристаллнинг иккита (100) ва (110) асосий кристалл текислигида анализ қиламиз. Магнитланишнинг айланишида оптик индикатрисанинг ҳаракати илмий адабиётларда етарлича келтирилган, шу сабабдан ўсиш оптик анизотропиясининг асосий ўқларининг ихтиёрий йўналиш ифодасини ёзамиз. Ўсиш оптик дихроизмининг асосий ўқлари, симметрия ўқлари билан мос тушмасин, улар плёнканинг (110) текислигини [100] ўқига қандайдир δ бурчак остида жойлашсин (4-расм). Бу координат системасида 1-2 ўсиш дихроизмини асосий йўналиши билан боғлиқ, ўсиш индикатрисасини ҳиссаси қуйидагича ифодаланади

$$T_{ij} = \begin{bmatrix} K & 0 \\ 0 & K \end{bmatrix} \quad (7)$$

Қулайлик бўлиши учун кристаллографик йўналиш билан боғлиқ координата системасига ўтамиз. Бунда бу ўқларда тенглама қуйидаги кўринишда бўлади

$$T_{ij} = a_{ik} a_{jl} T_{kl}, \quad (8)$$



4-расм. Магнитланишнинг (110) текислигидаги ҳаракатини ҳисоб бурчаги ва дихроик ўқларни координат системаси; 1, 2 - ўқлар кристаллографик дих-роизма; 3, 4 - ўқлар йиғинди эффекти

Бунда, T_{kl} - кристаллографик ўқларнинг бурилиш матрицаси.

Индикатриса тенгламаси, ўсиш ҳиссасини ҳисобга олганда қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\{B'\} + T'_{ij} = \{B''\} \quad (9)$$

Энди $\{B''\}$ диагонал ҳолатга [100] ёки [110] ўқлар атрофида θ бурчакга буриш орқали келтириш мумкин, бу бурчак тангенс индикатрисанинг диагонал ва диагонал бўлмаган компоненталари орқали аниқланади.

$$1. \vec{m} \perp [100], \vec{K} \parallel [100],$$

$$\operatorname{tg} 2\theta = \frac{\sin 2\varphi + 2K/M \sin 2\delta}{1/a(\cos 2\varphi) + (2K/M) \cos 2\delta} \quad (10)$$

бунда φ бурчак магнитланиш \vec{m} ва [001] ўқ орасидаги бурчак; $a = \rho_{44}/\rho_{11} - \rho_{12}$ - магнитооптиканизотропия коэффиценти;

$\rho_{44}\vec{m}^2$ - магнит хиссасининг қиймати; $K = (\alpha_1 - \alpha_2)$ ўсиш дихроизмининг қиймати, $d_1 = \cos \varphi$. Ўсиш дихроизми бўлмаган, $K = 0$ ҳолда ифода (10) қуйидагича ёзилади

$$\operatorname{tg} 2\theta = a \operatorname{tg} 2\varphi \quad (11)$$

Бошқа экстремали ҳолатда $M = 0$ дихроик ўқлари ўсиш дихроизмининг ўқлари билан магнитооптикас тушади ва магнитланишнинг ориентациясига боғлиқ бўлмайди. Оралиқ ҳолатларда дихроик ўқлар K, M ва a параметрларининг аниқ мунособатларига боғлиқ.

$$2. \vec{m} \perp [110], \vec{K} \parallel [110]$$

Магнитланишнинг (110) текисликдаги харакати θ бурчак учун қуйидагича бўлади

$$\operatorname{tg} 2\theta = \frac{\sin 2\varphi + 2K/M \sin 2\delta}{(1/a) \cos 2\varphi + (1 - a^2/2a) \sin^2 \varphi + (2K/M) \cos 2\delta} \quad (12)$$

Ҳисоблар шуни кўрсатадики $\theta(\varphi)$, K/M га кучли боғлиқ бўлиб унинг кўриниши 90 дан 180-градусгача ўзгаради ва унинг амплитудаси камаяди.

Бу боғланишнинг кўриниши a нинг қиймати ва δ бурчак билан аниқланади, бунда дихроик ўқларнинг бошланғич ҳолати $\varphi = 0$.

Дихроик ўқларнинг бурилиши, хар хил таркибли феррит-гранат эпитаксиал плёнкаларда $Y_3Fe_5O_{12}$, $(YBi)_3(FeGa)_5O_{12}$, $(YPr)_5(FeGa)_5$ тажриба қилинган. Олинган тажриба натижалари (12) ифода билан жуда яхши тасвирланган, агар a нинг тегишли параметри ва K/M мунособатнинг қийматларига мос танланган бўлса. Олинган ифода ёрдамида бир қанча бошқа муалифларнинг тажриба натижалари ҳам жуда қониқарли тасвирланган (Lucari F., Terrenzio E., Tomasetti G., Magnetic linear dichroism in Sn doped YIG. J. Appl.Phys., 1981, 52 2301 – 2303. Dorozio F., Luccori F., Tomasetti G., Desvignes J. Near infrared magnitooptical effects in Sb doped YIG. J. Magnetism. and Magnetic. Mat., 1983, 31-34, 593-594).

Диссертацияда нурларнинг қайтиш A ва ўтиш B матрицаларининг ифодаси олинган

$$A = R_1 + t_1 d_2 [I - R_2 D_2 r_1 d_2 - t_2 (T_2 R_2^{-1} t_2 + D_2^{-1} R_2^{-1} d_2^{-1} - r_2)^{-1} T_2 R_2^{-1}]^{-1} R_2 D_2 T_1$$


$$B = T_3 [(I - D_2 r_1 d_2 R_2) T_2^{-1} D_2^{-1} (I - D_3 r_2 d_2 R_2) - D_2 r_2 d_2 t_2 d_2 R]^{-1} D_2 T_1 \quad (13)$$

Бу матрицалар ёрдамида нурларнинг қайтиш A ва ўтиш B матрицаларини ихтиёрий (беш, олти ва ҳоқозо)кўп қатламли магнит структуралари учун ҳисоблаш мумкин.

Икки қатламли магнит структураси учун нурларнинг қайтиш матрицаси R_{12}, r_{21} , ва T_{12}, t_{21} ўтиш матрицасининг ифодаси олинган. Бу ифодалар ёрдамида экваториал Керр эффектининг ифодаси олинган.

$$b_2 = \frac{2 \sin 2\varphi e^{-2\xi b}}{A^2 + B^2} [\sin(2\xi a)(M_1 B + M_2 A) - \cos(2\xi a)(M_1 A - M_2 B)] \quad (14)$$


«НЕФГ эпитакциал ва d - f металлларнинг аморф плёнкаларининг оптик ва магнитооптик хоссалари» деб номланган тўртинчи бобда ютилиш спектри ва МДД, $D=10^{18}-10^{20}$ дозали $E = 0,5-10$ кэВ энергияли манфий O^{-2} ионлари билан нурлантирилган ТИФГ плёнкаларида ўтказилган илмий тадқиқот натижалари келтирилган. Плёнкаларни нурлантириш учун $E = 0,5-10$ кэВ энергияли, ток зичлиги $0,6 \text{ мА/см}^2$ гача бўлган манфий O^{-2} ионларидан фойдаланилди. Плёнкаларни $D=10^{18}-10^{20}$ дозали $E = 0,5-10$ кэВ энергияси ман-фий O^{-2} ионлари билан нурлантирилгандан сўнг, энг мухим ўзгаришлар, оптик ютилишнинг спектри 500-650 нм тўлқин узунликларига тўғри келиши аниқланди. Айниқса энергияси $E=0,5-4$ кэВ ионлар билан нурлантирилганда α нинг қийматининг камайиши, нурлантириш дозасининг ошиши 5×10^{18} ион/см²дан $D \sim 2 \times 10^{19}-4 \times 10^{19}$ ион/см² гача ораликда кузатилади. Бундан ташқари, доза миқдорининг оширилиши, ютилиш даражасини ўзгартирмайди. Ютилиш α нинг энг максимум камайиши 15% гача ва бу камайиш $E=1-2$ кэВ нурлантириш энергия оралиғида (5-расм) эришилди.



5- расм $Y_3Fe_5O_{12}$ пленкасининг ютилиш коэффициенти, а) пленка қалинлиги 7,8 мкм. (1-эгри чизик) нурланмаган ва дозаси $3 \times 10^{19} \text{ см}^{-2}$ бўлган манфий O^{-2} ионлар энергияси 1 (2-эгри чизик), 2 (3-эгри чизик), 6 (4-эгри чизик) ва 10 кэВ (5-эгри чизик). б – эгри чизик монокристалл учун. б) қалинлиги 11,6 мкм плёнка (1-эгри чизик) нурланмаган, ва дозалари $D = 0.5 \times 10^{19}$ (2), 1.5×10^{19} (3), $3 \times 10^{19} \text{ см}^{-2}$ (4).


Тадқиқот қилинган плёнкаларнинг магнитли доиравий дихроизми спектрининг, нурлантиришидан кейинги ўзгариши, оптик ютилиш билан бир хил характерга эга эканлиги аниқланди. Магнитли доиравий дихроизми нурлангандан кейинги қийматининг абсолют камайиши 8% дан ортмайди. Шу вақтнинг ўзида, Магнитли доиравий дихроизмнинг нурланиш энергиясининг ўзгариши ахамиятсиз даражада бўлди (6-расм). Тажриба натижаларини анализ қилиб қуйидагича хулоса қилинди, магнитооптик активлик, таркибида РЬ ионлари бўлган $Y_3Fe_5O_{12}$ плёнкаларида уйғонган Fe^{3+} ионларининг

спинорбитал ўзаро таъсирларининг кучайиши билан белгиланади. Ca^{2+} ва Si^{4+} ионлари киритилган $\text{Y}_3\text{Fe}_5\text{O}_{12}$ монокристалларининг оптик ютилиши ва магнитли доиравий дихроизми спектрлари олинган ва олинган натижалар билан $\text{Y}_3\text{Fe}_5\text{O}_{12}$ ларни оптик ва магнитооптик хоссалари мулоҳоза қилинган (7-расм).




6-расм. $\text{Y}_3\text{Fe}_5\text{O}_{12}$ плёнкаларининг Магнитли доиравий дихроизми спектри, плёнка қалинлиги 11,6 мкм. (1-эгри чизик) нурланмаган ва дозаси (D : $2 \cdot 10^{19} \text{ см}^{-2}$, $3 \cdot 4 \cdot 10^{19} \text{ см}^{-2}$, $4 \cdot 2 \cdot 10^{19} \text{ см}^{-2}$; энергияси E : 2,3-1 кэВ, 4-6 кэВ) O^{2-} нурлантирилган.

Технологик манбалардан Fe^{2+} ва Fe^{4+} ионларини Ca^{2+} ва Si^{4+} таркибига кириши натижасида ҳосил бўлган қўшимча ютилишни аниқлаш учун $\text{Ca}^{2+}\text{Si}^{4+}$ таркибига Ca^{2+} ва Si^{4+} ионлари киритилган, уларнинг концентрациясига боғлиқ оптик ва магнитооптик спектрлари илмий тадқиқ қилинган.



7-расм. Ютилиш спектри $\text{Y}_3\text{Fe}_5\text{O}_{12}:\text{Ca}_x$ (-0 ; ● $-0,0025$; ○ $-0,0049$; Δ $-0,01$) ва Si_x (-0 ; ● $-0,005$; ○ $-0,009$; ▲ $-0,025$).

Шубхасиз, бир Ca^{2+} (донор) ва Si^{4+} (акцептор) ионларининг концентрацияси технологик манбалардан кирган Fe^{2+} ва Fe^{4+} ионларининг тўлиқ ёки қисман компенсация қилиб Fe^{3+} ҳолатга ўтади бу $\text{Y}_3\text{Fe}_5\text{O}_{12}$ ҳар хил физик хоссаларнинг ўзгаришидан кўринади. $\text{Y}_3\text{Fe}_5\text{O}_{12}:\text{Ca}^{2+}$ нинг ютилиш спектрида ўтказилган илмий тадқиқотлар оптик ютилиш Ca^{2+} (0,01 атомгача) да 0,8-1,15 мкм спектрал соҳада тўлқин узунлиги 1,15 мкмга тенг бўлган лазер нури учун келтирилган тоза $\text{Y}_3\text{Fe}_5\text{O}_{12}$ га нисбатан сезиларли камаяди. Шу билан бирга, маркази 0,96 мкм да бўлган ютилиш соҳасини қисқа тўлқин узунлиги томонга силжиши кузатилади. Худди шундай ўзгариш $\text{Y}_3\text{Fe}_5\text{O}_{12}:\text{Si}^{4+}$ ва Si^{4+} ионларининг кичик концентрациясида (0,005 атомгача) 0,8-1,15 мкм бўлган тўлқин узунлиги соҳасида ютилиш қиймати камаяди шу вақтда Si^{4+} ионларини катта концентрациялари тоза $\text{Y}_3\text{Fe}_5\text{O}_{12}$ га нисбатан ютилишни ошишига олиб келади. 8-расмда ютилиш коэффициентини концентрацияга боғлиқлик графиги $\text{Y}_3\text{Fe}_5\text{O}_{12}:\text{Ca}^{2+}$ ва Si^{4+} лазер тўлқин узунлиги $\lambda=1,15$ мкм учун келтирилган. Оптик ютилиш ва Фарадей эффектлари $d-f$ металлларнинг $\text{Gd}-\text{Co}$, $\text{Gd}-\text{Fe}$, $\text{Gd}-\text{U}$ ва $\text{U}-\text{Co}$




8-расм. Тўлқин узунлиги $\lambda=1,15$ мкм бўлган лазер нурининг $\text{Y}_3\text{Fe}_{5-x}\text{Ca}_x\text{O}_{12}$ ва $\text{Y}_3\text{Fe}_{5-x}\text{Si}_x\text{O}_{12}$ гранатларда ютилиш коэффициентини x - концентрацияга, қайтиш коэффициентини ҳисобга олгандаги боғлиқлиги.

аморф плёнкаларида илмий тадқиқот ўтказилди ҳа ахборотларни ёзиш имконияти мавжудлигини аниқлайдиган магнитооптика асиллиги аниқланди. Ҳар хил компенсация нуктасига эга бўлган плёнкаларни магнит майдонига сезирлиги ва ёзиш тезлигини тагликнинг температурасига боғлиқлиги тажрибада аниқланди. Таглик температурасининг ошиши ажратилган соҳада $T = T_{\text{комп}}$ ташқи магнит майдони ўзгармаганда ёзишнинг чегараси секин камаяди ва ёзиш тезлиги ошади.

Магнит майдонининг маълум даражада ошиши ҳам плёнкаларнинг сезирлигини оширишга олиб келади. Оптимал шароитда сезирлик $0,05 \text{ Ж/см}^2$ гача етиб боради, минимум ёзиш вақти бир бит ахборотни бу қурилмада 2 мксдан кам вақтни ташкил этади. Компенсация нуктасида ёзиш чегара энергияси жиддий ўзгаради, компенсация нуктасидан ўтишда ташқи магнит майдони йўналишини қарама – қарши йўналишга ўзгартириш зарур бўлади. Плёнка материалларининг реверсив хусусиятларини тадқиқ қилиш мақсадида плёнкаларда бир неча марата ёзиш – ўчириш цикллари қайтарилди. Ёзиш энергиясининг зичлиги $0,5 \text{ Ж/см}^2$ бўлганда 104 циклдан сўнг материаллар хусусиятининг ўзгариши кузатилмади. Лекин цикл 105 тага етганда температуранинг $1,5\text{К}$ га камайши аниқланди, бироқ буни ёзиш параметрларига таъсири бўлмайди. Ёзиш энергиясининг $0,5 \text{ Ж/см}^2$ дан оширилса, материалнинг структурасини сезиларли ўзгаришга олиб келади, ҳаттоки бир марталик таъсирда ҳам.

«ФГ магнит ножинслилиги ва магнитланишнинг юқори қувватли лазер нури таъсирида ўзгариши» деб номланган 5-боби ФГ монокристалл ва плёнкаларида магнит ножинслилигини илмий тадқиқ қилишга бағишланган. Плёнкалар учун 0,6328 мкм ва 1,15 мкм тўлқин узунлигга эга бўлган лазер манбаидан фойдаланилди. Монокристаллар учун эса тўлқин узунлиги 1,06 мкм ва 0,53 мкм бўлган имплус қувватли лазердан фойдаланилди (9-расм). $Y_3Fe_5O_{12}$ монокристаллида ҳосил бўлган ЭЮК, Кюри температураси яқинида қузатилган чўққича материалнинг магнит тартиби ҳолатидан, парамагнит ҳолатга ўтганлигидан далолат беради. Материаллар $T = 300$ К температурада тўйинган ҳолатда, яъни квазидомен ҳолатида бўлади. Бу ҳолатда ЭЮК нинг ўзгариши фақат шундай ҳолатда



9-расм. Тўлқин узунлиги 1,06 мкм бўлган ёруғликнинг ҳар хил қутубларини ϵ_+ ва ϵ_- ҳароратига боғлиқлик графиги.

юзга келиши мумкин. Масалан, материалда доменлар музлатилганида дефектлар ҳосил бўлган бўлса. Бу сигналнинг ҳосил бўлиши доменларнинг ҳаракати йўлида магнит ножинсларининг бўлиши-дир. Магнитлаш майдонининг ошиб бориши натижасида мустаҳкам доменлар камая бошлайди ва натижада ЭЮК қиймати камаяди. ЭЮК температурага боғлиқ ўзгариши температуранинг кўтарилиши билан тушунтирилади. Иссиқлик тебранишнинг ортиши натижасида мустаҳкам доменлар камаяди. Материалларда фото актив марказларнинг арзимас даражада бўлиши ҳам фотомангнитланишнинг муҳим ўзгаришга олиб келиши мумкин

(6-расм). Бу эса ўз вақтида доменларни лазер нурилари орқали бошқариш мумкинлигини кўрсатади ҳамда ЦМД қурилмаларида қўллаш имконини беради, чунки доменларни силжитиш учун қўшимча магнит майдони ва мураккаб магнит апликацияларга зарурат қолмайди.

